

ИЖОДКОР ШАХС ВА ПОЭТИК МАҲОРАТ (ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР)

Усмон Қосимов
фил.ф.док, проф.

Акбар Жуманов
мустақил тадқиқотчи Жиззах ДПУ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг юксак шеърляти ва унинг адабиётимиз ривожигаги ўрни масаласи ёритилади. Шоиранинг бетақор иждоқор шахси ва поэтик маҳорати ўрганилиб, айниқса, унинг муқаддас аёл-она сиймосига бағишланган шеърляри адабиётимизда янги саҳифа очганлиги кўрсатиб берилади. Шоира иждоқорнинг ўзига хослигини ёритишда О.Шарафиддинов, И.Гафуров, Қ.Йўлдошев, Қ.Хусанбоева ва Э.Шуқорларнинг хизмати ҳам таъкидланган.

Kalit soʻzlar: XX аср адабиёти, жўшқин ҳаёт, ноёб истеъдод соҳиб, бетақор иждоқор шахси, поэтик маҳорати, етук шеърлар, муқаддас Аёл-Она сиймоси, қалб садоси, адабиётда янги саҳифа.

АННОТАЦИЯ

В статье раскрываются яркое творчество народной поэтессы Халимы Худойбердиевой и его роль в развитие современной Узбекской литературы. Так же подчеркнуты заслуги известных критиков и литературоведов А.Шарафутдинова, И.Гафурова, К.Юлдашева, Э.Шукура и К.Хусанбаевой в изучение творческого пути и поэтического мастерства признанной поэтессы.

Ключевые слова: литература XX века, незаурядный талант, яркий творческий личность, бурная жизнь, оригинальные стихи, поэтическое мастерство, неповторимый образ женщины-матери.

Замонавий ўзбек адабиётимиз ёркин истеъдодларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекистон халқ шоири, ноёб истеъдод соҳиб Ҳалима Худойбердиева ўзининг ўқтам овози ва юксак шеърляти билан миллатимиз шаънини улуглаб, адабиётимиз тарихида янги саҳифа очишга муваффақ бўлган етук иждоқорлардан бири эди.*¹ Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек, Ҳалима ўқувчилик йилларидаёқ ўз иқтидори билан устозлар назарига тушади.

Давримизнинг йирик давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов Ҳалиманинг илк шеърларидан унинг келажакда шеърятимизнинг ёруғ юлдузларидан бири бўлишига ишонч билдирган ва унинг истеъдодини юзага чиқаришда раҳнамолик қилганлиги адабий жамоатчиликка маълум. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони буюк танқидчи ва адабиётшунос Озод Шарафиддинов ҳам Ҳалима Худойбердиеванинг “Оқ олмалар” ва “Чаман” деб аталган дастлабки тўпламларини поэзиямизда жиддий ҳодиса бўлди,-дея юксак баҳолаган эди.* *2

Озод Шарафиддинов. Талант-халқ мулки. Т.1979. 51-б. Дарҳақиқат, ноёб истеъдод соҳиби Ҳалима Худойбердиеванинг халқимиз тафаккури ва маънавиятини юксалтиришда муносиб ўрин тутган ва бугун ҳам қадрини йўқотмаган дурдона асарлари айни Истиқлол руҳи ва илҳоми билан яратилган. Шоиранинг ўзига хос ёрқин шахсияти ва бетакрор асарлари ўзлгимизни англашимизда муҳим манба, миллатпарварлик ва юртпарварлик туйғуларимизни кучайтиришда ҳам ибратли маънавий-руҳий омил бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳароратли шеърятинида Ўзбекистонимиз ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ўзбек миллати қалби ва табиати, меҳнаткаш ва жафокаш ўзбек халқи ва муқаддас ўзбек аёлининг дарди ва бахти, орзу ва армони, ёрқин, хокисор ва улугвор сиймоси - булар Ҳалима Худойбердиева шеърятининг асосий мазмуни ва руҳини белгилайди. Ҳалима Худойбердиеванинг туғма истеъдоди ва шеърятининг парвозига бамисоли бир қанот бўлиб, унга туганмас илҳом ва мазмун бағишлаган қудратли руҳий манба ҳам, энг аввало, халқ билан яқдиллик, унинг жўшқин ҳаёти ва умид-ишончи билан ҳамнафасликдир. Аждодлар имиз ҳавас қилганидек, осуда ва фаровон ҳаёт қуриш учун жўшиб меҳнат қилаётган халқ ҳаёти ва орзу-умидларини куйлаш, унинг қалб садоси ва овози бўла олиш-Ҳалима каби шашти баланд ва жавонмардона шижоатли ижодкорлар учун улкан бахт, шараф эди. Маълумки, ҳар бир санъаткор ижод оламига кириб келар экан, унинг олдида адабиёт ва санъатнинг мангу саволлари кўнда ланг бўлиб туради. Адабиёт ва ижодни ўзининг қисмати деб билган барча истеъдодли адиблар сингари Ҳалима Худойбердиева ҳам ўз ижодини бошлар экан, энг аввало, адабиётнинг эзгу мақсад-вазифасини ва ижод корнинг жамият ва халқ олдидаги юксак бурч-масъулиятини чуқур англаб етади ва ҳамиша уларга содиқ қолади. “Турли образ, турли кўринишларда куюниб, суюнишларимнинг боиси битта: дунёга бир марта келадиган буюк Инсоннинг қайтарилмас кўнгил кечинмаларини қоғозга туширишдир”. Бу сўзларда адабиёт оламига ўз овози ва дард-шавқи билан кириб келган шоира Ҳалима Худойбердиеванинг бутун ибратли ҳаёти ва ижодий фаолиятининг гуманистик моҳияти ва мақсад йўналишини белгиловчи асосий ижодий кредоси- дастури мужассамлашган. Масалан, у “Шунчаки”, “Ҳаёт билан сирлашув”, “Албат ёзажакман” сингари дастлабки шеърларидаёқ ўзининг

шеърят, бадий ижод ва ижодкор шахс ҳақидаги муҳим фикрларини ва ғоявий-эстетик ақидаларини чуқур ифода этади. Бундай олийжаноб мақсад билан йўғрилган, чинакам ижод шоир учун тириклик ва ҳаётнинг мазмуни бўлиши лозим. Бунинг муҳим бир шарт-омилини шундай ифода этади:

**Шунчаки ёзмокқа кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмокқа қўлим бормайди,
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмок бу- шоирга ўлим. (“Шунчаки”)**

Адабиёт ва ижод таланти билан бирга фидойиликни ҳам талаб этувчи, ғоят масъул иятли, муқаддас соҳа деб билган шоиранинг фикрлари теранлиги билан жаҳон бадий-эстетик тафаккури ва адабиётшунослигига муносиб ҳисса бўлиб кўшилади. Адабиёт оламида янгилик яратиш учун табиат инъом этган истеъдод билан бирга халқига ва Ватанига хизмат қилишдек эзгу ният билан йўғрилган меҳр тўла кўнгил, катта ҳаётий тажриба каби фазилатлар талаб этилади. Бинобарин, юксак инсоний ғоя ва эстетик идеалга интилиш ҳам ижодкор истеъдоди ва бадий тафаккурини фаоллаштириб, уни олий мақсадларга йўллайди. Ҳам етук инсон, ҳам йирик ижодкор шахс сифатида ўсиб-улғаяётган Ҳалима Худойбердиева ўз диққат-эътиборини биринчи галда халқ ҳаёти ва руҳияти тасвирига, замондошлари ҳаётининг энг муҳим ва асосий муаммоларига қаратади. Шу боис санъаткорнинг сўзида, аввало, ўзини ва бутун халқини ўртаган дарду қувонч яшайди. Дастлабки шеърларида ҳам халқ ва миллат қайғу-аламлари ифодаланиши билан бирга, айти вақтда, уларда қалби, онг-шуури юксак мақсад ва олийжаноб ғоявий ниятлар билан тўлиб, ички руҳий қудратга эга бўлиб борган ёш шоиранинг “мен”и – халқига ҳамдард, тийрак бир миллатпарвар ижодкор шахсининг изтиробли ўй-фикрлари ва юксак орзулари ҳам ёрқин акс этади:

**Темирдан-да қаттиқ бўлиб яшайман,
Ўт журъатим ғолиб келяпти яна.
Бу қалам бир куни қилар тантана
Ёзарман, ёзарман келгунча сўнг он
Ётарман манглайи ярқироқ бахтга. (“Албат ёзажакман”)**

Ҳалима Худойбердиеванинг бетакрор шахси ва ижодининг илдизманбалари, қийин кечган тақдири ҳақидаги мардона ростгўйлик билан битилган бундай ҳасби ҳол-шеърлари халқ ҳаёти ва қисмати, асрий орзу-аъмоли акс этган яқин ўтмиш тарихимизнинг ҳам ҳаққоний лавҳаларидир десак муболаға бўлмайди. Бу жиҳатдан узтоз адибларнинг самимий эътирофи ҳам ижодкорнинг шахси ва нодир истеъдодини янада равшанроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Машҳур америка адиби Эрнест Хемингуэй: “Катта ёзувчи бўлиш учун худо

берган 99 фойиз истеъдод билан бирга ижодкор оғир болаликни бошидан кечирган бўлиши керак”,- деб таъкидлайди у. Бу муҳим ҳақиқат Ҳалима Худойбердиеванинг болалиги ва ижодий тақдирига ҳам тааллуқли дейиш мумкин. Ҳалима Худойбердиеванинг ҳам аксарият асарлари асосида ижодкорнинг бошидан ўтган воқеалар ётади. Воқеалар баъзан тўлдирилиши, умумлаштирилиши, яъни типиклаштирилиши мумкин. Ҳалима Худойбердиеванинг болалик ва ёшлик даври миллионлаб норасида ўзбек болаларидай кичкина лигидан бошлаб ота-боболар имизнинг оғир ҳаёти ва машаққатли меҳнатига ошно бўлиб ўсиб-улғайган, онг-тафаккури ҳам ана шу мураккаб ҳаёт, ҳукмрон социалистик мафкураининг чеклов ва тазйиқлари остида, бўғиқ муҳит шароитда шаклланган эди. Дарҳақиқат, пахтакорларнинг бутун азоб-уқубатлари-ю, ғам-андуҳларини бирга тотиган Ҳалима Худойбердиева каби шижоатли ижодкоргина ҳаққоний тасвирлай олади. Фидоий халқимизга, мунис оналарга ўз жигар бандидек жонкуяр бўла олган ва тарих ҳақиқатидан чекинмаган жасоратли ижодкоргина гулдай умри пахта эгатларида хазон бўлган ўзбек аёлининг ўкинч-армон тўла аянчли тақдирини жамики мудҳиш фожиалари билан шу даражада мардона акс эттира олиши мумкин.

Ҳалима Худойбердиеванинг “Энамнинг айтганлари” каби манзумаларидан таъсирланган юзлаб китобхонлар шоиранинг самимийлиги ва халқчил тасвирларини ҳавас билан эътироф этишади. Буюк сиймоларимиз-Шароф Рашидов, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуровлардан бошлаб, Тоғай Мурод, Қозоқбой Йўлдошев, Эшқобил Шукур, Қундуз Ҳусанбоева ва Усмон Қосимов каби йирик ижодкорлар яқдиллик билан таъкидлаганидай, бу каби самимият билан йўғрилган асарлардан халқимиз, миллатимиз бошига тушган қора кунларни, ёш болалар ва ўқувчилар илк қадамини мактабдан эмас, кимёвий дорилардан захарланган пахта далаларидан бошлагани, жуда кўп аёллар-оналар далаларда “Пахта уриб кетган болам-ай”, дея фарёд чекиб ўтганини тасаввур этамиз. Бир сўз билан айтганда, Ҳалима Худойбердиева шеърятини ҳам ўқиб, биз ўзлигимизни ва ота-боболаримизнинг кимлигини яхшироқ англаймиз. Шоиранинг эзгин шеърлари каби хотиралари ҳам бу ҳақиқатни тўлиқ тасдиқлайди: “Менинг онам Шарофат Хонназар қизи ўттиз беш ёшида пахта даласида ўқариқдаги дориланган сувдан ичиб қўйиб вафот этганлар. Мен ўн беш йиллар олдин ёзган “Энамнинг айтганлари” шеърим ана шу бошимизга тушган мусибатли кунлар ҳақида эди... Тоғай Мурод билан учрашганимизда, “Мана шу бармоқлар билан битилган сатрларингизни,- деди у қўлимни ўпиб, китобини очиб кўрсатар экан,- китобимизга киритдик. Ҳақиқатан ҳам, Тоғай Мурод менинг

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,

Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер сатрларим билан бошланадиган шеъримни янги “Ойдинда юрган одамлар” қиссасига киритган экан”.⁴ Шоира шеърларининг халқи миз ҳаёти ва оғир ўтмишининг ёруғ бир кўзгуси эканлигини кўрсатувчи бундай таъсирчан мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқимизнинг мустамлака давридаги ва ундан кейинги тоталитар совет тузуми йилларидаги ҳақ-ҳуқуқсиз, забун турмуши ҳаққоний тасвирлангани билан Ҳ.Худойбердиева ва Шароф Бошбеков ва Тоғай Мурод асарлари ўзаро ғоявий-бадий муштараклик касб этади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина мисол етарли бўлса керак. Чунончи, Тоғай Мурод нинг “Отамдан қолган далалар” романидаги далаларимиз тасвири Ҳ.Худойбердиева шеърларидаги ғоявий мазмун билан ҳамоҳанглиги эътиборга лойиқ: “Далаларим боболарим аччиқ кўз ёшларидан дала бўлди. Далаларим оталарим шўрпешона терларидан дала бўлди. Далаларим аёлларим гулдай хазон умридан дала бўлди.” (262-б) Атоқли адабиётшунос О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, бундай теран бадий-фалсафий мушоҳадалар нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти ва тарихида, дунёдаги кўплаб халқ ва миллатларнинг онгу тафаккурида ҳам алоҳида бир саҳифа бўлишга лойиқ ҳикматлардир.

“Биз мозийда, яқин ўтмишда бошидан катта талофотли кунларни ўтказган жафокаш халқимиз,-дейди шоира. Бу кунлар қайтиб келмаслиги учун Шавкат Раҳмон айтганидек, миллатга “юзлаб овози тошларни ёрар куйчилар керак”. Шундай куйчилардан, эҳтимол ки, шу саф сардорларидан бири Ҳалима Худойбердиева ҳам ўзининг халқимиз олдидаги масъул бурчини мардона адо этиб кетди.

Токи бир кун умримга кўз ташласа набирам...

Сурур билан яшабди ўз умрин бувим” десин.

Истайманки, авлодим яшасин билмай ҳадик,

Кўрар куни келгуси равшан бўлур ойдин-да.

Ўз ўтмиши билан ҳам кўкрагини тутсин тик,

Ўз насаби билан ҳам ғурурлансин майдонда (“Ҳаёт билан сирлашув”)

.....

Ҳ.Худойбердиеванинг ҳаётининг теранлик ва юксак инсоний дард билан йўғрилган фасоҳатли шеърияти бугун нафақат миллионлаб ҳамюртларимиз қалбида, балки кўплаб дунё халқлари тилида ҳам акс-садо бераётган экан, бу бахтли қисматнинг асосий сабаб- манбаи ҳам, энг аввало, шоиранинг ўзлигида, унинг ёрқин шахсияти ва юксак эътиқодида дейилса, хато бўлмас. Зеро, мутафаккирлар таъкидлаганидек, “шоир ижодий фаолиятининг манбаи унинг

шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳи ва унинг асарлари характерининг дастлабки изоҳини унинг шахсидан қидирмоқ керак.*³ (И.Ғафуров) Бу мумтоз таъриф ёрқин истеъдод, улкан инсоний қалб ва дард, ижодий жасорат ва юксак поэтик маҳорат тажассуми бўлган Ҳ.Худойбердиева сиймоси ва ижодига ҳам тўла тааллуқли: унда шоира шеърляти ва мардона шахсининг яхлит, ажиб бир олам эканлиги ҳаққоний инкишоф этилган. . . .Темирдан-да қаттиқ бўлиб яшайман,- дея олиш ва ўшандай қатъиятли бўлиш учун қанчалар руҳий қудрат ва ижодий жасорат керак эди. Аввал “дориламон кунларни интиқ бўлиб кутган мушфиқ онасининг пахта даласида фожеона ўлими, кейинчалик тоғдай суянчи бўлган азамат ўғлидан жудо бўлишдек оғир мусибатлар...Булар шоиранинг ирода-бардошини қанчалар тоблаб, метиндек мустаҳкам қилган бўлса, унинг қалб нигоҳини ҳам шунчалар тийраклаштириб, шоирона тафаккурини теранлаштирди. Ҳеч икки ланмасдан айтиш мумкинки, Ҳ.Худойбердиеванинг истеъдоди ва бадиий маҳорати қанчалар кучли бўлса, шоиранинг инсоний дард-мусибати ва ижодий жасорати ҳам улардан-да юксак ва қудратлироқ бўлди. Адабиётимизнинг Миртемирдай, Зулфиядай улкан сиймолари бошидан кечирган дард-ситам, ҳижрону-аламлар-“тоғдай зил, абадиятдай чексиз армон” бўлганидай, уларнинг талантли шогирди ва маънавий-руҳий давомчиси бўлган Ҳалима Худойбердиева ижоди ва нолалари ҳам улуғ устозларининг ижодлари каби ўзига хослиги, пурҳикмат ва бетакорлиги асло шубҳа уйғотмайди.

Ҳалима Худойбердиеванинг илк тўплами “Оқ олмалар” билан сўнгги йиллардаги “Йўлдадирман”, “Буюк қушлар” деб аталган, ҳам мазмунан, ҳам шаклан кўркам шеърлий тўпламлари хаёлан таққосланса, шоиранинг мураккаб ижодий юксалиш йўллари қанчалар самарали ва ибратли бўлганлигига амин бўламиз.*⁵ Фикримизнинг далили сифатида шоиранинг аёл-оналарга бағишланган “Машъала”, “Аёл ўтиб борар”, “Муқаддас аёл”, “Илтижом шу...” каби шеърларини эслайлик. Жаҳон адабиётида, жумладан, ўзбек шеърлятида ҳам бу кутлуғ мавзуда неча юзлаб асарлар яратилган. Оналар чеккан заҳматни, чексиз меҳр ва фидойиликни бу қадар табиий, самимий ва теран мисраларда ифодалай олиш дунё шеърлятида ҳам- камёб ҳодиса. Шу жиҳатдан Ҳ.Худойбердиеванинг ушбу шеърлари нафақат мазмун- руҳиятининг миллийлиги ва теранлиги билан, балки поэтик ташбеҳ-тамсилларининг ҳаётлийлиги ва оригиналлиги билан ҳам ажралиб туради. . Жаҳон адабиётида, хусусан, кўп асрли ўзбек адабиётимизда ҳам аёл-она сиймоси алоҳида ўрин тутди. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий сингари даҳо ижодкорларимиз томонидан ғоят юксак эҳтиром ва маҳорат билан яратилган аёллар тимсоллари дунё халқлари адабиётининг ҳам энг ёрқин ва фусункор

саҳифаларини ташкил этиши шубҳасиздир. Минг йиллар давомида яратилиб, бойиб ва сайқалланиб келинаётган бу қутлуғ адабий анъана XX аср ўзбек адабиётимизда ҳам ҳаётбахш ва илҳомбахш бир мавзу саналади. Бу жихатдан, айниқса, забардаст шоирларимиз- Миртемир ва Зулфия шеърляти ва улардаги ғоявий- бадий теранлик ва муштараклик кўплаб ижодкорларга поэтик маҳорат бобида ҳам ибрат бўла олади. Фикримизнинг далили сифатида Миртемирнинг “Онагинам” шеърлядаги “Сени жиндай хушвақт қилгани...” деб бошланган армонли мисраларини ёхуд Зулфиянинг биргина “Менинг меҳрибон онагинам” шеърлядаги бир-икки сатрини эслайлик.

**Бир умрлик йўлда кечиб, кўрганинг
Зарраси мадҳига етарми кучим!..**

Бу ёмби сатрларнинг маъно-мазмуни қанчалик ҳаётий ва теран эканлигидан таъсирланган сезгир ўқувчи улар билан Ҳалима Худойбердиеванинг ўзбек оналарини мадҳ этган шеърляри ва “Суянч тоғларим” деб аталган туркум битикляри ўртасида ажиб ҳамоҳангликни туйган бўлиши мумкин. Аёллар, хусусан, ўзбек оналарининг чексиз муҳаббати ва фидоийлигини, кўзларининг ёши билан дунёни титрата олишию меҳр тафти билан элу-юртни яшната олишидек беқиёс яратувчанлик кудратини қисқа бир шеърда шарқона донишмандлик билан гўзал ва мусиқий тарзда ифодалай олиш –ўзига хос бир поэтик кашфиёт дейилса, муболаға бўлмайди. Бунинг учун, албатта, мумтоз шоира ва адибларимиз Нодира ва Увайсийдай, Муаззамхон ва Нозимахонлардай, Зулфия ва Саида Зуннуновалардай халқ ҳаёти ва руҳиятини, муштипар ва ғамдийда аёлларининг қалб кечинмалари ва уларнинг ирода-бардоши кудратини чуқур ҳамдардлик билан ҳис эта оладиган ва уларни ўқувчига “юқтира оладиган” юксак истеъдоди талаб этилади.

**Онагинам!
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
“Тирикликнинг байрами” деб созланганда тор.
Ўзинг сўлғин лаблар билан пичирлагандай:
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.**

Ҳалима Худойбердиеванинг поэтик маҳорати шундаки, бу туркум шеърляри оддий бир қишлоқ аёлининг сокин дарё мисол қалбида кечган унсиз дард-изтиробларини моҳир рассомдек кўз олдимизда гавдалантиради ва бу оғир туйғулар бизнинг ҳам кўнглимизни чулғаб олади, ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашга ундайди. Дарҳақиқат, у ижод оламига ўтмишдаги кўплаб шоирлар каби ишқ ва вафо, севги ва садоқат деб аталмиш анъанавий мавзу ва туйғуларни куйлаш билан кириб келган эди. Ҳақиқий истеъдоднинг камол топиши ва санъат асарининг яратилиши қанча шарт-шароиту омилларга боғлиқлиги-аён ҳақиқат.

Зотан, шеър машқини мактаб ўқувчилигидан бошлаган Ҳалима Худойбердиева нодир асарлари билан китобхонлар қалбини забт этиши учун улкан санъаткорларга хос машаққатли изланиш ва ижодий балоғат йўлини ўзига хос масъулият ва матонат билан босиб ўтди. Машҳур устозлари Зулфияхоним сабоқ берганларидек,

**“Шухратни ўйламай, тебранган қалам
Авлодга хизматдан қолмас ҳеч қачон...”**

Бу сатрларда кўп асрлик буюк шеърят намояндаларининг муқаддас ижодий ақидалари ҳам ифодаланган. Бутун истеъдоди ва улкан қалбини халққа ва ижодга бахш этган Ҳалима Худойбердиева ҳам, ниҳоят, ўзи орзу қилганидай, муносиб эъзоз ва қадр топди. Адабиёт ва маънавият ривожига ибратли хизматлари учун республика давлат мукофоти ва “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган устоз йиллар давомида “Саодат” журнаliga бош муҳаррир бўлиб, кўплаб ёш истеъдодларга раҳнамолик қилди. Шоиранинг “Етарман манглайи ярқироқ бахтга” сатрлари рўёбга чиққанига бутун шеърят аҳли ва минглаб мухлислар гувоҳ бўлиб турибди. Адабиётимиз ва шеърятимиз тарихида порлоқ саҳифа очган Ҳалима Худойбердиева нинг юксак эътиқод ва Ватанга садоқат руҳи билан йўғрилган ижоди ҳам, шубҳасиз, абадиятга дахлдор умум инсоний қадриятларимиздан бўлиб ҳисобланади. Шоиранинг ўзи башорат қилганидай, **Ортимда қолган шеърларим қиёматгача”-яшаб қолишига** ишончимиз комил. Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонимиз бўйлаб ва қатор хорижий мамлакатларда шоира шеърятни жаранглаб тургани бунёдкор халқимиз ва адабиётимиз учун ҳам бир фахр дейиш мумкин. Айни вақтда, кўп миллатли аҳолимиз аҳил бир оиладек яшаётган Сирдарё вилояти маркази-Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиевага ўрнатилган пурвиқор ҳайкал миннатдор халқимизнинг чўнг ҳурмат-эҳтироми рамзи бўлиб саналади. Бу қутлуғ масканда забардаст шоира номидаги “Ижод мактаби”нинг бунёд этилиши халқи миз ва айниқса, умидли ёшларимизнинг маънавий камолоти йўлидаги доимий ғамхўрликнинг ҳам ёрқин бир намунасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ҳалима Худойбердиева. Буюк қушлар. Тошкент. 2013. 726 б.
2. Озод Шарафиддинов. Талант халқ мулки. Т. 1979.51-б.
3. Иброҳим Ғафуров. Мангу латофат. Т.2008.107-б.
4. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари тирасида. Т.2007.70-б.
5. Қозоқбой Йўлдош. Сўз ёлқини. Т.2018.177-б.
6. Қосимов Усмон. Меҳр ва самимиятга йўғрила шеърят. “Халқ сўзи”, 2022 й. 15 май.